



halol.uz

Ҳаром қилинган ҳар бир нарса унинг зарарли бўлганлигидандир

Инсонларни яратган ва уларга ҳисобсиз неъматлар бахш этган Аллоҳ таоло инсонлар учун истаганини ҳалол ва истаганини ҳаром қилиши Унинг гоят табиий ва асл ҳаққидир. Яъни, бандаларининг ҳеч бир эътироз ва исёнга ҳақлари бўлмай, уларга истаганидек амр этиши ва истаган тақлифларини уларга юклаши ҳам ягона Холик бўлган зотнинг ҳаққидир. Ҳа, ҳеч шубҳасиз, инсонларнинг Аллоҳ таолога қарши ҳеч бир эътироз ва исёнга ҳақлари йўқ. Бу ҳақ уларнинг Роббилари бўлган Аллоҳ таолонинг ҳаққидир. Уларнинг бу ҳақ қаршисида сукут қилишлари Унга қилинган ибодатларнинг шартидир. Фақат Аллоҳ таоло бевосита бандаларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда баъзи маъқул сабабларга кўра ҳалол ва ҳаром ҳукмларини очик ўртага қўйиш билан уларга лутф ва марҳамат кўрсатгандир. Аллоҳ таоло яхши ва гўзал бўлганидан бошқа ҳеч нарсани ҳалол, ёмон ва зарарли бўлганидан ташқари ҳеч нарсани ҳаром қилган эмас. Аллоҳ таоло бундай қилиш номуқидан пок ва устун бўлган зотдир. Аллоҳ таолонинг яхши бўлган баъзи нарсаларни яҳудийларга ҳаром қилганлиги

тўғридир. Бу яхудийларнинг хадларидан ошишлари ва Аллох таоло мукаддас билган бир канча нарсаларни хакир кўришлари окибатида уларга берилган бир жазо эди. Зеро бу ҳақда Аллох таоло шундай дейди: **"Яхудий бўлган кимсаларга барча туёклиларни харом килдик. Мол-кўйдан улар учун ёғларни харом килдик. Магар бикинларидаги ё ичларидаги, ёки суякка аралашган ёғларгина (харом эмасдир). Золимликлари сабабли уларни шундай жазоладик. Албатта, Биз рост сўзлагувчимиз**"

. (Анъом сураси, 146).

Аллох таоло уларнинг бу хаддан ошиш харакатларини бошка бир оятда шундай баён килади: **"Яхудий бўлган кимсаларнинг золимликлари ва кўп кишиларни Аллох йўлидан тўсганлари сабабли, яна манъ этилган бўлсаларда, судхўрлик килганлари ва одамларнинг молларини ноҳақ, еганлари сабабли уларга олдин ҳалол килинган нарсаларни харом килиб кўйдик**"

. (Нисо сураси, 160-161).

Аллох таоло пайгамбарларнинг сўнггисини абадий ва умумий диний бир рисолат билан юборар экан, бир замонлар адашганлардан бўлган бир кавмга уларни тўғри йўлга солиш учун вақтинчалик харом ҳукми берилган баъзи нарсаларни комил бир жамият учун ҳалол килиш билан илохий марҳаматини кўрсатмишдир. Ахли китобга маълум бўлгани каби бу Инжил, Таврот ва Куръони Карим тили билан ҳазрат пайгамбар саллаллоху алайхи вассалом рисолатининг асосини ташкил этади: **"Улар шундай кишилардирки, уммий (саводсиз) пайгамбарга -номини ўз олдиларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолда топишадиган элчимизга эргашадилар. У пайгамбар уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан кайтаради ва пок нарсаларни улар учун ҳалол килиб, нопок нарсаларни уларга харом килади ҳамда улардан юқларини ва устиларидаги кишанларини олиб ташлайди**"

. (Аъроф сураси, 157).

Ислом хар қандай бир хатонинг каффорати учун баъзи яхши нарсаларни харом килишдан кўра кўпроқ бир канча чиқиш йўллари кўрсатгандир. Масалан, сув кирни тозалагани каби тавбаи насухонинг гуноҳни поклаши, сув ўт-оловни сўндиргани каби гуноҳнинг сўндирувчиси садақдир. Киш қунида қуриган япроқларнинг тўкилиши каби гуноҳларни тўккан мусибатлар, меҳнатлар, кийинчиликлар...

Бу тарика очикча маълум бўладики, Исломда харом ҳукми ашёнинг ёмон ва зарарли бўлишига кўра чиқарилар экан. Яъни, бир нарса ёмон ва зарарли бўлса, у зарари ва ёмонлиги учун ҳам харомдир, фойдаси кўп бўлган нарса эса ҳалолдир. Куръони Каримнинг ичкилик ва кимор хусусидаги ҳукми ҳам шунга кўрадир: **"Сиздан ароқ (ичкилик) ва кимор хақида сўрайдилар. Айтинг: Буларга катта гуноҳ ва одамлар учун фоидалар бор. Буларнинг гуноҳи ва фойдасидан каттарокдир"**.

(Бақара сураси, 219).

Ҳа, яна очикча маълум бўладики, Исломда ҳалол бўлган нарса яхши ва фойдали нарсалардир. Яъни, соғлом акили инсонларнинг яхши, фойдали ва гўзал дея билгани хар нарса ҳалолдир. Чунки Аллох таоло марҳамат киладики: **"(Эй Мухаммад, мўминлар) Сиздан ўзлари учун нималар ҳалол килганини сўрайдилар. Айтинг: "Сизлар учун барча покиза нарсалар... ҳалол килинди"**.

(Моиди сураси, 4).

Навбатдаги оятда эса бу хусусда дейилади: **"Бугун сизлар учун барча покиза нарсалар ҳалол килинди"**

(Моиди сураси, 5).

Аллох таоло фол хақида харом ҳукмини чиқарган. Бу ҳукмнинг фолнинг ёмон ва зарарли эканлигига таяниб берилганлиги хусусида мусулмон киши чуқур бир билимга эга

бўлишлиги унчалик шарт эмас. Чунки бир мусулмон томонидан очик билинган бир нарса, бошка бир мусулмон учун ноаник бўлиб қолиши мумкин. Нарсанинг ёмонлиги кўринган такдирда ундан кейинги асрда ўша нарса яхшига айланиб қолмайди. Шунинг учун ноаник бўлиб қолиши мумкин. Шубҳасиз, бир асрда бир нарсанинг ёмонлиги кўрилган такдирда ундан кейинги асрда ўша нарса яхшига айланиб қолмайди. Шунинг учун ҳам мусулмонлар бундай ҳолларда доимо "эшитдик ва итоат этдик" дейиши зарур.

Биз биламизки, Аллох таоло тўнғиз гўштини харом қилганида мусулмонлар бир ёмонлик ва зарарни эътиборга олиб берилганлигидан бошка бир сабаб қўрмас эдилар. Вақт ўтиши билан илм ва фан тўнғиз гўштида трисхин ва захарловчи бошка микроблар борлигини кашф этди...

Шунингдек, Расулulloх саллаллоху алайхи вассалом буюрадиларки: "Лаънат келтирадиган уч нарсадан тийилинг. " (Яъни, инсонлар ва Аллох таолонинг лаънатига сабаб бўладиган ишлардан тийилинг). Булар сув манбаларида, йўлларда ва сояда таҳоратни бузиш каби ишлардир. (Равзатул-Муҳиббин, 10 саҳифа).

Ислонинг илк даврида бу уч нарса умумий ахлоқ ва қоидаларга зид бўлган ёмон ишлардан бошка ҳеч нарса эмас эди. Давр ўтиши ва илмий кашфларнинг такомиллашуви билан шу нарса маълум бўлдики, "лаънат келтирган уч нарса" умумий соғлиқ қоидалари учун энг хавфли нарсалардан бўлиб юқумли ва огир касалликларни атрофга таркатган илк манбалар экан.

Шу тариқа илмнинг ёруғ нурлари хар ёнга сочилиб ва кашф доиралари кенгайиши билан Ислонинг ҳалол ва харом ҳақидаги ҳукмлари ва шунга ўхшаш бутун ҳукмлардаги хусусиятлари ўртага чиқиб боради. Бунинг акси бўлиши мумкин эмас. Зеро, бу бандаларни энг яхши билган уларга гоятда марҳаматли бўлган ҳикмат соҳибининг қонунидир: **"Аллох ким бузгунчи, ким ўнғловчи - ислох қилувчи эканини билади. Агар истаса, сизларни машаккатга солган бўлар эди. Албатта, Аллох қудрат ва ҳикмат эгасидир"**. (Бақара сураси, 220).

Шайх Юсуф Қаразовий,

"Ислонда ҳалол ва харом" китобидан Абу Муслим тайёрлади